

АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК, АЗИЗ ОПА-СИНГИЛЛАР!



ТОШКЕНТ

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2004 йил 6 март, шанба

• №19 (11.614)

• Эркин нархда сотилади

Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табриги

Гўзал ва бетакрор юртимизга ба-
хор нафаси кириб келаётган мана шу
кунларда, табиат уйғониб, чирой оча-
ётган шукуҳли лаҳзаларда сиз, азиз-
ларни, муҳтарам опа-сингилларимиз,
мунис оналаримиз, лобар қизлари-
мизни 8 март – Хотин-қизлар байра-
ми билан чин қалбимдан табриклаш-
дан бахтиёрман.

Ҳаётимиз файзи ва кўрки бўлган
сиздай мўтабар аёл зоти ҳақида сўз
юрйтиш, қутлуг айёмингиз билан му-
боракбод этиш – ҳам осон, ҳам муш-
кул бир вазифа.

Осонлиги шундаки, сизларнинг
ҳақингизда қандай таъриф ва мадҳия-
лар айтмайлик, уларнинг барчаси сиз-
ларга бениҳоя ярашади.

Аммо, сизларнинг шаънингизга қут-
лов битиб, эътиборингизни тортиш
сиз аёл зотиға мансуб эзгулик ва на-
фосат, вафо ва садоқат каби фазил-
латларни юксак маҳорат билан таран-
нум эта оладиган сўз устаси бўлишни
талаб этади.

Шу боис биз – эркалар яхши ту-
шунамизки, бугун сизларга бағишлаб
ҳар қанча чиройли сўзларни айтмай-
лик, барибир аёл васфининг буюк
куйчиси бўлмиш ҳазрати Алишер На-
воийдан ўтказиб, ул зотнинг:

Ҳар қаён боқсам, юзимга ул қуёш-
дин нур эрур,

Ҳар сори қилсам назар, ул ой манга
манзур эрур,

– деган сатрларидек ёрқин ва таъ-
сирли қилиб айта олмаимиз.

Ҳеч шубҳасиз, мана шу байрам
кунларида аёлларни табриклаш, улар-
нинг кўнглини шод этишни орзу қил-
ган юртимизнинг ҳар бир ўғлини ўзи-
нинг шоир бўлмаганига беихтиёр
афсус чекади.

Ва мана шундай мунаввар дамлар-
да ҳаммамизнинг ҳаёлимиздан бир
фикр ўтади: агарки, бугун кўпчилик
дунё мамлакатлари нишонлаётган 8
март санаси бўлмаганида ҳам, ҳаёт
устуни ва инсон гўзаллиги, меҳрибон-
лик ва садоқат намунаси бўлмиш сиз,
азизларни улуғлаш, сизларга муносиб
эҳтиром кўрсатиш учун бундай ажо-
йиб байрамни ўйлаб топиш ва ўтка-

зиш зарур бўлар эди.

Азиз опа-сингилларим!

Одамзот ақлини танигандан бош-
лаб то умрининг охиригача унга ҳаёт
берган, оқ ювиб, оқ тараган муқад-
дас зот – Она олдида ўзини доимо
қарздор деб ҳис қилади.

Эркаки эркак, оилани оила қила-
диган, умуман ҳаётимизга маъно-маз-
мун бағишлайдиган, бизни одамлилик,
мардлик ва олижанобликка, ҳақиқий
инсон бўлишга чорлайдиган аёлнинг
меҳр-муҳаббати ва заҳматини ҳеч
нарсаси билан ўлчаб бўлмайди. Ҳозир-
ги мураккаб даврнинг қайси томони-
ни олмайлик, асрлар тажрибасидан
ўтган бу ҳақиқатни барчамиз ҳамиша
ҳис этиб яшаймиз.

Шу сабабли ҳаётнинг ташвишини
ҳам, қувончини ҳам биринчи галда
сезадиган, таъбир жоиз бўлса, жами-
ятимизнинг ҳарорат даражасини аниқ
акс эттирадиган – бу аёл зоти, деб
айтсак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Биз юртимизда янги ҳаёт, янги
жамият барпо этиш йўлида жаҳон
ҳамжамияти билан ҳамкор ва ҳамна-
фас бўлиб, шу мақсадда қанча-қанча
муаммоларни ечиб, оғир синовлардан
ўтиб келаётган эканмиз, қайси жаб-
ҳада бўлмасин – бу дала ишлари ёки
фермерлик бўладими, ишлаб чиқариш
ёки фан, таълим ва маданият соҳаси
бўладими – уларнинг барчасида хо-
тин-қизларимизнинг беқиёс ҳиссаси-
ни кўришимиз мумкин.

Бугун халқимизнинг бунёдкорлик
салоҳияти билан қўлга киритаётган
ютуқларимиз, фидоқорона меҳнат
билан топаётган бойлик ва дарома-
димизни одамларимиз, аввало, сиз,
хурматли опа-сингилларимизнинг
ҳаётини яхшилаш, турмуш даражаси-
ни ошириш, оғирини енгил қилишдек
муҳим мақсадларга жалб этаётгани-
миздан барчангиз хабардорсиз.

Айниқса, кейинги йилларда оналик
ва болаликни муҳофаза қилиш, бар-
камол авлодни тарбиялаш, оила ва
маҳалла тизимини мустаҳкамлаш каби
биз учун устувор бўлган вазифаларни
амалга оширишда, жумладан, бу йил-
ни Меҳр ва мурувват йили деб эълон

қилганимиз замирида ана шундай
мақсадларга қаратилган давлат сиё-
сати мужассам эканини ҳам сизлар
яхши тушунасиз, деб ўйлайман.

Айни вақтда нафақат оилада, бал-
ки маҳалла-қўй, бутун жамиятда меҳр-
оқибат, самимият ва саховат муҳити-
ни асраб-авайлаб, мустаҳкамлашга
интилиб яшаётган сиз, азиз аёллари-
мизни чинакам меҳр-мурувват тимсо-
ли деб атасак, ҳақиқатни айтган бўла-
миз.

Биз бундан кейин ҳам ўз олдимиз-
га узоқ ва давомли мақсадларни қўя-
рканмиз, аёлларимизнинг ҳақ-ҳуқуқла-
ри ва манфаатларини таъминлаш,
эскидан қолган қарашлардан воз ке-
чиш, уларни том маънода ҳаётни бош-
қарадиган ҳал қилувчи ўринлар ва ва-
зифаларга кўтариш, уларга ишонч
билдириш масаласи бугунги кунда ҳам
ҳали-бери ўз долзарблиги ва аҳамия-
тини йўқотгани йўқ.

Шу боис мен барча юртдошлари-
мизга қарата, аёлларни фақат мана
шундай байрам арафаси ва байрам
кунларида эмас, балки кундалик
ҳаётимизда қадрлаш ва улуғлаш дои-
мий бурчимизга айлансин, деб дав-
ват этмоқчиман.

Азизларим, меҳрибонларим!

Мен, бугунги фурсатдан фойдала-
ниб, сиз, қадрли опа-сингилларимиз-
га, тарихимизнинг ҳозирги мураккаб
ва масъулиятли даврида мана шу
муборак заминни обод қилиш, бунёд-
корлик ишларимиз ва эзгу мақсадла-
римизни рўёбга чиқариш, фарзандла-
римизни соғлом ва баркамол инсон-
лар этиб тарбиялаш йўлида кўрсата-
ётган фидоийлигингиз учун чуқур
миннатдорлик изҳор этаман.

Сизларни баҳор даракчиси бўлмиш
гўзал байрамингиз билан яна бир бор
қутлайман.

Ҳамиша толеингиз баланд, умрин-
гиз узоқ, ризқ-насибангиз зиёда
бўлсин!

Бахтимизга доимо соғ-омон
бўлинг!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти.



ҚАДРИНГИЗ

ҲАМИША БАЛАНД

Тошкент вилоятининг шахар ва
туманларида Халқаро хотин-қизлар
байрами кенг нишонланмоқда

*Фаслар келинчаги — баҳорнинг дастлабки
кунларини ҳар биримиз алоҳида интиқлик
билан кутамиз. 8 март — шу баҳор байрами
куни азиз оналаримиз, меҳрибон опа-сингил-
ларимиз, дилбар қизларимизни қутлаб, уларга
сиҳат-саломатлик тилаб, кўнгилааридаги
жамики орзу-умидлари рўёбга чиқишини
тилаб, эзгу ниятларимизни изҳор қиламиз.*



Бу кўхна олам аёл билан мунаввар, навқирон,
ёқимли. Ҳаётимизнинг энг гўзал онлари, меҳр-му-
ҳаббатли лаҳзаларимиз дилрабо қизларимиз ла-
тофатию аёлларимиз нафосати билан гўзал, на-
фис, унутилмасдир. Ҳар қандай жамият, ҳар қан-
дай давлатнинг равнақи хотин-қизларнинг ишти-
роки билан жўшқин, самарали.

Вилоятимизда ҳам аёлларимиз ижтимоий-иқти-
содий, маънавий-маданий ҳаётнинг барча жабҳа-
ларида фаол иштирок этиб, ғайрат-ташаббус би-
лан меҳнат қилишмоқда. Хотин-қизлар илм-фанни
ривожлантириш, баркамол авлодни тарбиялашга
салмоқли ҳисса қўшмоқдалар.

(Давоми 4-бетда).

Вилоят ҳокимлигига

АНИҚ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

*Вилоятимизда халқ фаровонлигини ошириш,
турмуш шароитини яхшилаш, ишлаб чиқа-
риш инфратузилмаси ва коммуникация
тизимидаги фойдаланилмаётган ички имко-*

*ниятларни ишга солиш, айниқса, бу борадаги
муаммоларнинг ечимини топиб, ислохотларни
чуқурлаштириш борасида катта ҳажмдаги
ишлар, саёй-ҳаракатлар бошланди.*

Шу йил 5 март куни вилоят
ҳокимлигида аҳолини табиий газ,
ичимлик суви билан таъминлаш-
ни тубдан яхшилаш, телекомму-
никация, электрлаштириш тизими-
ни ривожлантириш, иссиқлик таъ-
миноти, вилоят ҳудудидаги авто-
мобиль йўлларини таъмирлаш ва
обод қилиш ҳамда халқ таълими,

соғлиқни сақлаш ва ижтимоий со-
ҳалардаги масалаларга бағишлан-
ган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда ви-
лоят ҳокимининг ўринбосарлари,
ҳокимликнинг тегишли котибият,
бўлим ва бошқармалари ҳамда
ташкilotлари раҳбарлари ишти-
рок этдилар.

Йиғилишни Тошкент вилояти

ҳокими Козим Тўлаганов бошқарди.

Кун тартибидаги масалалар
юзасидан тегишли идоралар раҳ-
барларининг ахборотлари тинг-
ланди ҳамда муҳокама этилиб,
ҳар бир соҳа бўйича истиқболда-
ги вазифалар ва бажарилиши за-
рур бўлган ишлар аниқ белгилаб
олинди.

НАВРЎЗ ЯҚИН

Вилоятимизда умумхалқ байрами
— Наврўзи айёмга ҳозирлик
қизгин бормоқда. Байрамни ҳар
томонлама уюшқоқлик ва юқори
савияда ўтказиш юзасидан шахар
ва туманларда олиб борилаётган
ишларни алоҳида таъкидлаш
керак. Бунга кўп жиҳатдан
вилоят ва жойларда олдиндан
ташқил этилиб, амалий ҳаракат
олиб бораётган ташкилий
қўмиталарнинг фаолияти роль
ўйнамоқда. Хусусан, Наврўз
байрамига тайёргарлик кўриш ва

уни ўтказиш бўйича вилоят
ташқилий қўмитаси ҳар ўн кунда
ўзининг йиғилишларини ўтказиб,
белгиланган тадбир ва режалар
ижросини таҳлил этиб бормоқда.
Ташқилий қўмитанинг шу йил 5
март куни бўлиб ўтган йиғилиши
ҳам ишчанлик вазиятида ўтди.
Уни вилоят ҳокимининг ўринбоса-
ри, хотин-қизлар қўмитасининг
раиси Адиба Аҳмаджонова бош-
қарди.

(Давоми 2-бетда).

НАВРЎЗ ЯҚИН



Йиғилишда шаҳар ва туманларга бириктирилган ташкилий қўмита аъзоларининг ахборотлари тингланди. Маълум бўлишича, бу йил вилоятимизнинг 260 дан ортиқ корхона, ташкилот, муассаса, маҳалла, қишлоқ ва қўрғонларида Наврўз байрами тантаналарини ўтказиш режалаштирилди. Албатта, 10 мартдан бошла-надиган байрам тадбирларининг энг каттаси шаҳар, туман марказларида 20-21 март кунлари бўлиб ўтади. Йиғилишда ана шу тантаналарнинг, айниқса, чекка қишлоқ ва овулларда бўладиган байрам сайлларининг юқори савияда ўтишини таъминлаш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Наврўз нафақат халқ сайли, бу айём мустақиллик йилларида халқимизнинг кенг қўламдаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш борасида олиб бораётган ҳашарларининг ҳам намунасига айланди. Айни

(Давоми. Боши 1-бетда).

кунларда вилоятимизнинг барча ҳудудларида асосий кўча ва йўللари обод қилиш, янги боғ-роғлар барпо этиш, кўчатлар ўтказиш, атрофни саранжом-саришталаш ишлари қизгин паллага кирди. 13-14 март кунлари ўтказиладиган умумхалқ хайрия ҳашаридан ҳам ҳеч ким четда қолмайди, албатта.

Наврўз бунёдкорлик байрами ҳамдир. 2004 йил бу жиҳатдан ҳам баракали бўлмоқда. Наврўз муносабати билан шаҳар ва туманларда 154 тадан ортиқ янги ишлаб чиқариш бўлимлари, маданий-маиший бинолар, маҳалла гузарлари, савдо, спорт иншоотлари сингари қатор янги объектлар фойдаланишга топширилмоқда. Наврўзнинг сўзсиз яна бир улуг хислати, бу саховатпешалиқдир. Шу кунларда жойларда уруш ва меҳнат фахрийларига, ногиронларга, боқувчисини йўқотган ёлғизларга, етим-есирлар

ва кам таъминланган оила-ларга кенг қўламдаги манзилли моддий ёрдамлар кўрсатилмоқда. Биргина вилоят меҳнат, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси томонидан 7500 ногиронга, кам таъминланган оилаларга ва ёлғизларга 30 миллион сўмликдан ортиқ маблағ ажратилди. Бундан ташқари 120 нафар ногирон махсус аравача билан таъминланди. Бошқарма ташаббуси билан ташкил этилаётган меҳнат ярмаркаларида ишсизларни иш билан таъминлаш, ёшларни янги касбларга ўқитиш бўйича кенг қўламдаги тадбирлар олиб борилмоқда. Наврўз муносабати билан ташкил этиладиган маданий-маърифий дастурлар ҳам ранг-баранг ва кенг қўламдир.

Йиғилишда мазкур масалалар юзасидан белгиланган ишларни давом эттириш зарурлиги таъкидланди ҳамда тегишли тавсиялар қабул қилинди.

РАҲБАРЛАР ЎҚУВИ

Г. Плеханов номидаги Россия Иқтисодий академиясининг Тошкент шаҳридаги филиалида АҚШ Ижтимоий бошқарув институти билан ҳамкорликда корхона раҳбарлари маҳоратини оширишга бағишланган ўқув-амалий семинари иш бошлади.

Корхона ва тижорат банклари раҳбарлари икки кун давомида янги шароитда хўжалик юритишнинг замонавий бошқарув услубларини амалиётга жорий этиш, менежернинг бу жараёндаги ўрнига бағишланган масалаларни муҳокама этади.

Тадбирнинг биринчи кунини «UzTEXACO» қўшма корхонаси бош директори ва Америка савдо палатасининг Ўзбекистондаги президенти Боб Хортон, «Экстеншн Менежмент Инк» бошқарув-консалтинг корпорациясининг президенти Билл Льюиснинг маърузалари тингланди.

Ў.А.



Юртимга баҳор келди.
Еркебой БОТИРОВ сурат-лавҳаси.

ОЛДИНДА ТАДБИРЛАР КЎП

Қибрай туманида 10 ёшдан 15 ёшгача бўлган қизлар ўртасида спорт мусобақалари уюштирилди. Унда стол тенниси, шохмат-шашка турлари бўйича шаҳар, туман босқичларида ғолиб бўлган юз нафардан зиёд қизлар иштирок этдилар.

— «Меҳр ва мурувват йили» Давлат дастурини ба-жариш юзасидан қатор чора-тадбирлар ишлаб чиққанмиш, — дейди «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг вилоят бўлими раиси Гулсанам Ваҳובה. — Хотин-қизлар байрами арафасида, спорт ўн кунлиги доирасида ўтказилаётган ушбу мусобақалар ҳам мазкур дастурдан жой олган. Бундан ташқари «Соғлом авлод кубоги учун» аёллар орасида волейбол, баскетбол, бадий гимнастика, синхрон сузиш бўйича турнирлар ўтказилиши режалаштирилган.

Равшан ЁҚУБЖОНОВ.

ОҚСОҚОЛЛАР ФИКРЛАШИБ ОЛИШДИ

Бекобод тумани ҳокимлигида туман маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларининг семинар-йиғилиши бўлиб ўтди. Маҳаллаларда хотин-қизлар ва вояга етмаганлар ўртасида олиб борилаётган ҳуқуқий, маънавий-маърифий тарбия масалалари, фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш борасида маҳалла фуқаролар йиғинларининг вази-фалари ҳақида маърузалар тингланди. Шунингдек, фуқаролик жамиятида маҳалланинг ўрни ҳамда амалга оширилажак галдаги вази-фалар юзасидан фикрлашиб олинди.

ҲАКИМЖОН САМИФОВ.

13-14 март – умумхалқ ҳашари

ХАЙРЛИ МАҚСАД

Ҳашар — бу сўзни болаликдан эшитамиз. Бу халқимизга хос хислат. Чунки, унда эл иши учун одамлар бирлашади, ҳаракатга келади. 2004 йил юртимизга Меҳр ва мурувват йили бўлиб келганлиги, кунлар илиб, баҳор келиб, Наврўз айёми эшик қоқиб турганлиги боис ана шундай эзгу ният яна жўш урди.

Жойларда кенг қўламдаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари авж олди. 2004 йилнинг 13-14 март кунлари эса, вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида катта умумхалқ хайрия ҳашари ўтказиладди.

Шу муносабат билан қабул қилинган вилоят ҳокимининг фармойишида ушбу хайрия ҳашарининг мақсади ва амалга ошириладиган тадбирлар режаси ўз ифодасини топган. Кўп қаватли ва хусусий уйлар атрофи, гузар ва хиёбонлар, эиёратгоҳ ва қабристонлар, ариқлар, болалар майдончаларини тартибга келтириш, турар-жой мавзелари ва маҳаллаларда кўчатлар ўтказиш, дарахтларни буташ, кўча ва йўлчаларни тартибга келтириш, атрофни чиқиндилардан тозалаш, кексалар, ногиронлар ва

боқувчисини йўқотган ёлғизлар, кам таъминланган оилаларнинг уй-жой шароитларини яхшилашга қаратилган қатор хайрли ишлар билан бир қаторда ҳашар кунлари корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, мактаблар ва бошқа билим юртлари, бозорлар, умумий овқатланиш шаҳобчаларида ҳам кенг қўламдаги ободончилик ишлари амалга оширилади. Энг муҳими, хайрия ҳашаридан тушган маблағ «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлимига ўтказилиб, улар ҳам маҳаллаларни ободонлаштириш, инфра-тузилмасини ривожлантириш, «Меҳр ва мурувват йили» дастурида кўзда тутилган тадбирларга сарф этилади.

Юртимизда яна бир хайрли ва савобли ҳаракат бошланди. Ўйлаймизки, ундан ҳеч ким четда қолмайди.

Болалар спорти

ҲОМИЙЛАРНИНГ ЯНГИ ТАШАББУСИ

Республикамизда амалга оширилаётган кенг қўламдаги ислохотлар, хайрли ишлар қаторида болалар спортини ривожлантириш ва спортнинг оммавийлигини таъминлаш алоҳида ўрин тутади.

Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ташкил этилганлиги ёшларнинг мунтазам спорт билан шуғулланишини таъминлаш, болалар спорт иншоотларини қуриш, қайта таъмирлаш, пировардида соғлом авлодни вояга етказишга хизмат қилмоқда. Бу ишларда жамоатчилик, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг кенг иштирок этаётганлиги, айниқса, эътиборга молик.

Тошкент вилоятида ҳам болалар спортини ривожлантиришга камарбаста бўлаётган ана шундай ҳомийлар кўп. Улар ташаббус билан чиқиб, 2004 йилда ҳам вилоят болалар спортини ривожлантириш жам-

ғармасига ҳомийлик маблағини ўтказишга қарор қилдилар. 34 корхона, ташкилот, муассаса, банклар ва ҳиссадорлик жамиятлари, жамоат ташкилотлари ҳамда шаҳар, туман ҳокимликлари томонидан болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент вилояти филиали ҳисобига ўтказиладиган маблағлар ҳисобига болалар спорт иншоотларини қуриш, таъмирлаш ва анжомлар билан таъминлаш режалаштирилган.

Шундай қилиб, вилоятимиз ҳудудида болалар ва ёшларнинг спорт билан шуғулланишига, спортнинг оммавийлигига хизмат қилувчи янги ўйингоҳлар ва спорт мажмуалари сафи янада кенгайди.

ҚОНУН ИЖРОСИ БИЛАН КУЧЛИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар, қўмита ва компанияларнинг раҳбарлари иштирок этди.

Мазкур қўмита раиси И. Қаландаров бошқарган йиғилишда Ўзбекистон Республикаси «Қишлоқ хўжалик ўсимликларини зараркундалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва «Ўзкимё-саноат» давлат акциядорлик компанияси ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат кимё комиссияси томонидан ижро этилишига оид масала муҳокама қилинди.

Йиғилишда қишлоқ хўжалик ўсимликларини зараркундалар, касаллик ва бегона ўтлардан ҳимоя қилишни таъминлаш, ўсимликларни ҳимоялаш воситаларининг инсон соғлиғига, атроф-муҳитга зарарли таъсирининг олдини олишда номлари зикр этилган ташкилотлар томонидан амалга оширилаётган ишлар ўрганиб чиқилгани таъкидланди.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ўсимликларни ҳимоялаш воситалари, янги техника ва технологиядан самарали фойдаланиш усулларини яратиш, синаш ва жорий этишга оид илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва лойиҳалашни мувофиқлаштириш бўйича муайян ишларни амалга оширмоқда.

Ў.А.

МЎЛ ҲОСИЛ ГАРОВИ

Ўртачирчиқ туманидаги «Хакипет» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси уруғлик дон ва чигит тайёрлашга ихтисослашган. Ҳозир корхонада бир минг 750 тонна уруғлик чигит тахт қилиб қўйилди.

— Корхонамизда уруғлик чигит юқори технология асосида тозаланади, ҳажми ва вазнига қараб сараланади. Туксизлантириш кимёвий усулда амалга оширилади. Бу усул чигитнинг шикастланишига йўл қўймайди, унумдорлигини тўла кафолатлайди, — дейди бош директор Турдали Усмонов.

Кимёвий усулда туксизланган чигитни ҳар гектар ерга ўртача йигирма килограмм-

дан экиш тавсия қилинади. Бунда уруғлик тежалади, гўзани яғналалашга ҳам ҳожат қолмайди. Асосийси, ундан униб чиққан гўза гоммоз касаллигига чалинмайди.

Шу боис «Хакипет» маҳсулотларига талаб ортиб бормоқда. Корхонада йилига йигирма минг тонна уруғлик тайёрлаш имкони бор.

ЎЗА.

ЮҚОРИ ЛИКВИДЛИ МАҲСУЛОТ

Ўзбекистон Республикаси товар-хонашёр биржасида автомобиль бензини ва дизел ёнилғисини истеъмолчиларга сотиш бўйича биринчи электрон сессия бўлиб ўтди.

Ягона электрон тизимида ва аниқ вақт режимида олиб бориладиган биржа савдоларида 1050 тонна автомобиль бензини ва 4610 тонна дизел ёнилғиси таклиф этилди.

Савдо сессияси натижаларига кўра 613 тоннадан ортиқ бензин ва

1216 тонна дизел ёнилғиси, ҳаммаси бўлиб умумий қиймати 425 миллион сўмдан ортиқ маҳсулот сотилди.

Юқори ликвидли маҳсулот сотишнинг бозор механизми корхоналар учун ресурслардан фойдаланишнинг тенг имкониятини берди.

ЎЗА.

НАВБАТ — МАҲАЛЛАЛАРГА

Юқоричирчиқ туманида бўлиб ўтган маънавий-маърифий тадбир «Ёшлар ва маънавият» мавзусига бағишланди.

«Маънавият ва маърифат» маркази вилоят бўлими ҳамда туман ҳокимлиги ҳамкорлигида уюштирилган давра суҳбатида маҳалла оқсоқоллари, хотин-қизлар кўмиталари раислари ва ёшлар иштирок этдилар. Унда ўсиб келаётган авлод дунёқарашининг шаклланишида оила ва жамоат ташкилотларининг ўрни, вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиялари олдида турган вазифалар, ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлиги, уларнинг тарбиясида маънавий-маърифий тадбирларнинг аҳамияти ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

— Бундай тадбирларда бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ислохотларнинг тарғиботини кучайтириш керак, — дейди Республика «Маънавият ва маърифат» маркази бош мутахассиси Илҳом Ўтанов. — Айниқса ёшлар учун яратилаётган шароитлар, таълим сиёсатидаги қулайликлар, спорт билан шуғулланишдаги имкониятлар ва бошқа жиҳатларни ёшлар теран англаб етишлари лозим.

— Бундай тадбирларда кўтарилаётган мавзулар жуда муҳим, — дейди Дўстлик маҳалла кўмитаси раиси Мукаррам Исломова. — Бироқ, улар фақат шаҳар, туман марказларидагина эмас, балки чекка қишлоқларда ҳам уюштирилиши лозим. Шундагина ёшлар орасига кенг кириб бориш, уларнинг маънавий дунёқарашини тўқис шакллантиришга эришишимиз мумкин.

Бундай тадбирларни энди маҳаллаларда уюштириш ҳақида келишиб олинди.

Равшан РУСТАМОВ.



Бу йил қиш мавсумида мавжуд техника воситаларини кўкламга дала ишларига тайёрлаш тадбирлари имкониятлар аниқ ҳисобга олинган ҳолда ташкил этилди. Натижада кўкламга экиш мавсумида ишлатиладиган барча техникалар январь ойидаёқ таъмирдан тўла чиқарилиб, тайёрлик чизигига қўйилди.

Қабул комиссияси Юқоричирчиқ туманидаги «Дўстлик» ширкат хўжалигида амалга оширилган техника таъмири сифа-

тига, айниқса, юқори баҳо берди. 3 та ҳайдов, 12 та чопиқ трактори, 10 та культиватор, 10 та сеялка, шу жумладан, плёнка остига чигит қадайдиган 3 та махсус мослама, 72 та тилли борона, 2 та чизелни мавсум учун сифатли созлашда Игорь Шегай, Нишонбой Қосимов, Иван Хегай, Баҳодир Мусабоев, Эркабой Алиқулов сингари чилангар, пайвандчи, токар ва механизаторлар алоҳида жонбозлик кўрсатишди.

Айни кунларда хўжалик аъзолари ерларни чигит экишга тайёрлаш ишларини бошлаб юбордилар. Майдонларни текислаш, чизеллаш ишларида мавжуд техника воситаларидан унумли фойдаланилмоқда.

СУРАТДА: хўжалик бош муҳандиси Тожибой Пирматов механизатор Ихтиёр Номозбоев билан чигит экишда қатнашадиган техникаларни яна бир бор кўздан кечиришмоқда.

Даврон АҲМАД олган сурат.

КОЛЛЕЖДА ДАВРА СУҲБАТИ

Ангрендаги маиший касб-хунар коллежида ўтган давра суҳбати «Эксплуатация қилиш мақсадида алдов йўли билан одамларни ёллаб чет давлатларга олиб чиқиш кетиш — трафикка қарши фаолият» деган мавзуга бағишланди. Унда вилоят истиқболли авлод ахборот-маърифат маркази раиси М. Мирзараҳимов, «Инсонлар савдоси» муаммоси ва унинг Ўзбекистондаги ҳолати бўйича марказ аъзоси У. Каримова, Ан-

грен шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси Э. Эшонбоев ва «Озодлик» маҳалласи раиси М. Ҳақимова халқимиз учун ёт бўлган бундай иллатнинг олдини олиш зарурлиги ҳақида гапиришди.

Тадбирда маҳаллалар оқсоқоллари, ўқув юртлари раҳбарларининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосарлари қатнашдилар.

Ўз мухбиримиз.

Анжуман

«ЭКОСАЙЁҲЛИК ВА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ»

Республикамиз пойтахтидаги «Шератон-Тошкент» меҳмонхонасида шу мавзуда халқаро конференция бўлиб ўтди. Анжумани «Экосан» халқаро жамғармаси, унинг барқарор ривожланиш бўйича комиссияси, «Экосан-Тур» халқаро экосайёҳлик маркази ва «Шератон-Тошкент» меҳмонхонаси биргаликда ташкил этишди. Ўзбекистон ва умуман Марказий Осиёда туризмнинг бу тармоғини ривожлантириш ва такомиллаштириш масалаларини муҳокама қилиш ҳамда бунинг учун зарур тавсияларни қабул қилиш конференция ишининг асосий мазмунини ташкил этди.

Унда республикамизнинг қатор давлат ва нодавлат ташкилотлари, сайёҳлик фирма ҳамда компаниялари, чет эл давлатларининг Ўзбекистондаги элчихоналари ва бир қанча халқаро ташкилотларнинг вакиллари, оммавий ахборот воситаларининг ходимлари иштирок этдилар.

Конференцияда республикамиздаги қатор мутасадди ташкилотлар раҳбарлари, хорижий мамлакатлар элчилари ва мувақ-

қат ишлар вакиллари, олий ўқув юртларининг раҳбар ходимлари маъруза қилдилар. Бу маъруза ва чиқишларда таъкидланганидек, сайёҳлик барқарорлигининг иқтисодий негизиде салмоқли ўринни эгалламоқда ва тўхтовсиз ривожланаёпти. Тарихий-маданий ёдгорликлар билан табиий имкониятлар ҳамкорлигидаги сайёҳлик индустрияси маҳаллий аҳолини иш билан таъминлашга ҳам салмоқли ҳисса қўша-

ди. Жаҳон бўйича бу соҳада аҳоли бандлиги 12 фоизни ташкил этаётир. Унинг ўсиш суръатлари сайёҳликнинг бошқа турларига нисбатан икки-уч баравар юқори бўлмоқда.

Анжуманда қайд қилинганидек, экосайёҳлик атроф муҳит муҳофазасининг самарали усули, барқарор ривожланишнинг муҳим таркибий қисми сифатида табиий ҳамда маҳаллий мероснинг сақланишига, аҳоли иқтисодий аҳолини яхшилашга имкон беради.

Ўзбекистон ўзининг сайёҳлик имкониятлари бўйича Марказий Осиёда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Юртимизда инсоният ривожланишининг турли даврларига оид 4 мингдан ортиқ тарихий ёдгорлик бор. Унинг мафтункор табияти, иқлими, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг ниҳоятда бойлиги сайёҳ-



ларни ўзига ром этади.

Конференция иштирокчилари Ўзбекистоннинг сайёҳликни таракқий эттиришдаги салоҳиятини эътироф этиш қатори бу соҳани ривожлантириш учун барча имкониятлардан тўлаланишга фойдаланилмаётганлигини ҳам таъкидлаб ўтишди. Анжуман якунида маърузалар ва нутқларда баён қилинган фикр-мулоҳазалар ҳисобга олиниб, экосайёҳлик бўйича тегишли тавсиялар қабул қилинди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А. Абдувохитов қатнашди.

Собир ҲАМИДОВ.

ФОЙДАЛИ БИТИМ

«Ўзавтосаноат» акционерлик компаниясидан хабар беришларича, Америка-Ўзбекистон-Афғонистон савдо уйи билан жорий йилда Андижон вилоятидаги «ЎЗДЭУавто» заводида ишлаб чиқарилган мингга яқин автомобилларни Афғонистонга етказиб бериш тўғрисида бош битим имзоланди.

Иил давомида қўшни мамлакатга «Нексия», «Дамас» ва «Матиз» енгил автомобилларини экспорт қилиш режалаштирилмоқда. Афғонистоннинг йирик шаҳарларида ушбу автомобилларга техник хизмат кўрсатувчи марказлар ташкил этиш кўзда тутилади.

Ҳозирги вақтда автомобилларимиз, Афғонистондан ташқари, Россия, Қозоғистон, Украина, Молдова, Тожикистон каби мамлакатларга ҳам экспорт қилинади.

ЎЗБЕКИСТОНДА САКУРА ГУЛЛАДИ

Кунчиқар юртда сакура — япон олчаси эзгулик ва поклик, баркамоллик рамзи ҳисобланади. Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги дўстлик, биродарликнинг узоқ йиллар бардавом бўлишига ишора тарзида Тошкент шаҳри ва айрим вилоятлардаги хиёбон ҳамда истироҳат боғларида ана шу файзли дарахт кўчатлари экилган. Баҳорнинг илиқ кунларида улар қийғос гуллади.

Бу йил ҳам олис Япониядан қарийб тўрт юз тупга яқин сакура кўчати келтирилди. Айни кунларда улар пойтахтимизнинг энг сўлим гўшаларига экилмоқда. Жумладан, Мирзо Улуғбек туманидаги Марказий боғда ана шундай кўчатларни ўтказиш маросими бўлиб ўтди. Унда Япониянинг юртимиздаги элчихонаси вакиллари, нуруний отахонлар, талабалар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар юртимизда эрта баҳор, Наврўз арафасида кўчат экиш, кўча-кўйни ободонлаштириш, ҳашар ўтказишдек хайрли юмушлар азалий анъана эканини таъкидлади. Барпо этилаётган сакура боғлари эса бу эзгу анъанани янада бойитади, икки мамлакат ўртасидаги дўстлик тимсолига айланади.

— Сакура бизнинг юртимизда муқаддас дарахт саналади, — деди Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси масъул ходими Хироши Такахаши. — Унинг гулга киришини японлар интизорлик билан кутади. Сизнинг Наврўз байрамингизга ҳамоҳанг сакуранинг гул очиши ҳам Японияда халқ сайллари билан нишонланади.

Шу куни Иккинчи жаҳон уруши даврида мамлакатимизда мангу осойиш топган япон фуқаролари қабристонига ҳам сакура кўчатлари экилди.

ЎЗА.

Бўёзсув лоласи

КАДРИНГИЗ ҲАМИША БАЛАНД

Уларнинг юрт равнақиға қўшаётган ҳиссалари муносиб баҳосини олаётди. Шунга айтиш кифоки, сўнгги икки йилда 52 хотин-қиз юксак давлат мукофотлари билан тақдирланди. Юқориқичик туманидаги «Гулистон» ширкат ҳўжалигининг пудратчиси Шариға Ҳамидова «Эл-юрт ҳурмати», Пскент туманидаги Охунбобоев номи ширкат ҳўжалиги механизатори Ҳакима Толипова билан Уртачирчиқ туманидаги 13-мактаб ўқитувачиси Холниса Бегматова «Меҳнат шўхрати», Ангрен шаҳридаги 18-мактаб ўқитувачиси Валентина Горбанева «Дўстлик» ордени билан тақдирландилар. Аюфтина Ким, Саида Исқандарова, опа-сингил Севара ва Зарина Ганиева сингари спортчиларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Куни кеча Тошкент шаҳрида донгдор аёлларимиз вакилаларининг баҳор байрами тантанасига бағишланган анжумани бўлиб ўтди. Унга барча шаҳар ва туманларимиздан 300 га яқин меҳнат илгорлари, хотин-қизлар ҳаракати фаоллари, пирӯ бадавлат онахонларимиз, иқтидорли қизларимиз ийғилишди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитасининг раиси Адиба Аҳмаджонова тантана иштирокчиларини байрам билан қизгин табриклади. Бир гуруҳ фаол хотин-қизларга Тошкент вилояти ҳокимининг Фаҳрий ёрлиқлари топширилди.



Таниқли санъаткорлар тантана иштирокчилари ҳизматида бўлишди. Шу кунларда 8 март — Ҳалқаро хотин-қизлар кунини вилоятимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида, меҳнат жамоаларида кенг нишонланмоқда.

Жўрабек МУРОДОВ.

Одамзот бахтни, бахтиёрликни ҳис қилганда ҳам, бошига мусибат тушганда ҳам, сим-сим оғрикми, ногоҳоний дардми, ҳуллас, азоб деган овоз жонидан таралганда ҳам онаизори номини тилга олади. «ОНАЖОН», деган сўзни беихтиёр айтиб юбориш ҳам жонига дармон бўлади. Рўйи қўват беради.

Қизлар меҳрибон бўлади, деган сўзда ҳам ҳикмат бор. Уч қизни тарбиялаб, камолга етказиб, турмушга узатган ота-она жаннати бўлармиш деган ҳалқ иборасида ҳақиқат борлиги шубҳасиз.

Инсон борки, гўзалликдан баҳра олади. Аёл эса гўзаллик элчиси. Унинг сўзида нур, қадамида фойз бор. У бахтнинг бекаси, ал-помишлар улғайғувчи бешиқларнинг бекаси. Эрак зоти хонадонда аёлсиз ғарибу бенаво. Тонгда супурги тегмаган ҳовлидан, оқшом ювилмай қолган қозон-товоқдан, ҳафталаб уйнинг бир бурчида тоғора кўрмай ётган кийим-кечакларни кўришдан асрасин.

Албатта, савол туғилиши мумкин: нима, аёл ҳизмат учун яралганим? Аёлларга сиз бу юмушларни қилманг десангиз малол қурадилар. Чунки, гўзалликка бекаликни Яратганининг ўзи уларнинг дилига солган.

Гўзаллик аёлга, аёл гўзалликка эргашиб юради

Улар бир оламнинг икки юзи.

Аёл оила юмушидан орланмай-

дея сўраб турса, ўғил-қизини кийим-бошини кузатса, юриш-туришдан боқабар бўлса, оталик орини байроқ қилиб, тийрак назар билан яшаса оналар оилада бир гапириб ўн қуладилар.

Табассум уларга ярашади. Энг муҳими аёл табассумга ярашин

Оналар матонати, сабру бар-

ди. Фақат рўзгордаги тақчиллик, йўқчилик азоби уни ўз оташида қовуриб қўймаса бўлгани. Эракларни инсофдан қисмаса бўлгани. Ҳар бир оилани «кўча хандон, уй зиндон» эракдан асрасин. Эр киши, оила отаси кўчага чиқишдан олдин ёки ташқаридан келганда «рўзгоринг бутми, онаси?»

доши олдида ким бош эгмаган. «Она осмон, унинг оғирлиги сеннинг елканга тушмайди», — дейди улуглар. Рост-да, осмоннинг оғирлиги кимнинг елкасига тушибдики, онаизоримизнинг оғир юкларида, оғир дардларидан нолисак. Аксинча, тўшакка миҳлиниб қолган она ҳам фарзандининг безов-

дида ҳар кунини юз бора тиз чўқким келади. Шу онага муносиб ўғил бўлиб яшай олмаётганимдан гоҳида ҳижолат бўлган. Онаминг турфа ажинлар мустаҳкам ўрнашиб олган юз-қўзларига боқиб: «Онажон, мен сизни яхши кўраман», — дея ҳайқиргим келади. Лекин қуруқ товушдан мударо

Эҳ онажон, бунчалар бағрингиз кенг, дилингиз кенг бўлмаса. Ёши элликдан ошган «бола»ни теграгизда пилдираб юрган чеварангиздек бир кунда неча бор қоқилишдан асраб, насихат қилиб толмасангиз. Бир иборангиз бор онажон: «Онани яратмасин, болам, она бўлиб яралган аёл зотининг ҳаммаси, шунчаки яшолмайди, қувончининг барини ҳадик тугиб туради».

Онажон, муҳтарам онажонлар! Юртада нафасингиз каби ҳуш ҳаволар эсапти. Табассумингиз янглиг кўртлар жилмайиб юз очаяпти. Бу бахр таърифи. Тинчлик таронаси баҳор қушларининг ёқим-то оҳангларига қўшилиб кетиб: «Яхши кунларимизга кўз тегмасин», — дейётгандек. Озод одам, юзи ёруғ эл, тупроғи саҳий ўлка... Бу каби таърифлар Ўзбекистон аталмиш Она-Ватанининг муборак номига ярашади. Ватансиз бахтли яшаб бўлмаганидек, Ватан сўзига Она сўзини қўшиб айтмай туриб, унинг жарангини, лаззатини тўлиқ ҳис қилиб бўлмайди.

Сизларнинг байрамларингизни етаклаб келгучи баҳор сизлар каби кўркам! Сизларни шу кўтлуг байрам, шу баҳор билан қутлаш, опа-сингилларни, дилбар қизларимизни муборакбод этиш бизга қанчалар ҳузур бағишлайди. Сизларга баҳор табассуми муборак бўлсин!

Маҳмуд ТОИРОВ.

БАЙРАМ ТУҲФАЛАРИ

Мамлакатимизда ҳар йили мустақиллик ва Наерўз байрами кунларида янги маданий-маиший иншоотларни фойдаланишга топшириш ағаланиб қолди. Бу йил ҳам вилоятимизда бир қатор ана шундай биноларни аҳоли ҳизматида топшириш режа-лаштирилган.

Хусусан, Қўйичирчиқ тумани «Матлуботсавдо» акциадорлик компанияси томонидан туман марказида янги ошхона бунёд этилмоқда. 2-маҳалланинг янги биноси қурилиши ҳам ниҳояланди. Шунингдек, «Uz-Case Mash» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси томонидан «Ўзбекистон беш йиллиги» ширкат ҳўжалигида Модул ҳўжалиги барпо этилиб, унга мутахассислар тайёрловчи марказ қурилишида ҳам бугунги кунда пардозлаш ишлари бормоқда. Бундан ташқари, «Янги ҳаёт» ширкат ҳўжалигида маиший ҳизмат уйи аҳолига ҳизмат қила бошлайди. Бу ерда сартарошлик, бичиш-тичиш, пойабзал таъмирлаш, автомобилларга сервис ҳизмати кўрсатиш устакхонаси ва дон тегирмони ишга туширилди.

Равшан ЁҚУБЖОНОВ.

Баҳор келиши билан олам яшнайди, гулларга бурканади. Узоқ қиш фасли сўнгиди қўзларни қувонтирган чучмалар ёнида қоқиқулар очилиб, лолалар гунчалайди. Бодом билан ёнма-ён ўриклар бамисоли ловулайди — қизғиш-нимнуншти гулбарғлар ёшу кекса юракларни ҳаприқ-тириб, орқиқтириб юборади.

Шундай зебо кунларнинг бирида Тошкент вилоят ҳокимлиги ва «Ҳамкорлик» клуби мамлакатимизда яшаб, фаолият кўрсатаётган хориз аёлларини Ўзбекистон гуллари билан таништирди. Тадбирда Россия, Беларусь, Индонезия, Исроил, Малайзия, Франция, Польша, Туркия, Жанубий Корея, «Росзарубежцентр» ваколатхонасининг вакиллари ҳозир бўлишди. Меҳмонлар Шредер номли илмий-тадқиқот институти ва Тошкент туманидаги «Ҳасанбой» ширкат ҳўжалигига чиқишди.

— Қишлоқларимиз мамлакатимиз пойтахтига мева-сабзавот, гўшт-сут маҳсулотлари ва минг бир рангда жило берувчи гуллари йил-ўн икки ой етказиб беради, — деди меҳмонларнинг саволларига жавоб бериб Тошкент тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Акбарали Сулаймонов.

«Ҳасанбой» ширкат ҳўжалигининг раиси Абдумавлон Ҳамидов этти иқлим аёлларига гулчиликда эришилаётган отуқлар ҳақида ҳикоя қилиб берди. Бу ерда гулчилик эсе-лекцияси ва уручилигига эътибор катта эканлиги, ҳар турли голланд гуллари ҳам ўстири-

ҲАСАНБОЙДАГИ УЧРАШУВЛАР



лаётганлиги меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Шредер номидаги илмий-тадқиқот институтига эскурсия чоғида меҳмонлар олимларимизнинг мева-узумчиликни ривожлантиришга қўшаётган ҳиссалари билан таништирилди. Бу илмий даргоҳ музейидаги экспонатлар хориз аёлларини ҳайратда қолдирди. Албатта, уларнинг ҳар бири институт боғлари ва иссиқхоналарида ўз мамлакатлари ўсимлик дунёсининг намуналарини ҳам кўришдики, бунинг ҳаяжони бир умр унутилмайди. Институт директори Мақсуд Мирзаев олимлар гулчи-

ликни кенгайтириш борасида олиб бораётган изланишлар қандай натижа бераётганлиги билан меҳмонларни атрофлича таништирди.

Бу эскурсия мобайнида хориз аёллари серкўш Ўзбекистон ҳаётининг янги қирраларини ўзлари учун кашф қилдилар. Турли мамлакатлар хотин-қизларининг шу тариқа яқинлашуви, мамлакатимиз табиати, ҳалқимизнинг анъаналари билан бундай танишувлар дўстона алоқаларимиз кўламини яна ҳам кенгайтиради.

Жаббор САЛИМОВ.

СУРАТДА: учрашувдан лавҳа.

МУКОФОТ МУБОРАК, ШАҲНОЗА!

Ҳар йили анъанага кўра ҳалқаро хотин-қизлар байрами — 8 март арафасида Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари эълон қилинади.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ аъло ҳулқи, зукколиги, донолиги, ташаббускорлиги, ўқшдаги муваффақиятлари билан нояб истеъдодини намойён этаётган республикаимиздаги бир гуруҳ иқтидорли қизлар 2004 йилнинг Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирландилар. Уларнинг орасида Паркент туманидаги 23-умумтаълим мактабининг 11-синф ўқувчиси Шаҳноза Шожалилова ҳам бор.

Биз иқтидорли ўқувчи — шоирамизни газетамиз муштарылари ва жамоаси номидан чин дилдан қутлаймиз.


Юксак мукофот муборак, Шаҳноза!

Қишлоқ аёллари манфаатларини ҳимоялаш, ижтимоий муаммолар, аёламбор иш-сиёсий масаласини ҳал этиш, мавжуд имкониятлардан фойдаланган ҳолда уларнинг турмуш даражасини, маънавий дунёқарашини тубдан ўзгартириш бош мақсадимиз.

Ҳалқимизнинг азалий фазилатлари — ҳар бир ишдаги тадбиркорлик, изланувчанлик, ўқув ҳамиша янги имкониятларни яратишда ифтихор ва фахр бахш этади. Мана шу устувор фазилатлар бетақрор қирралари билан намойён бўлиб, янги-янги ташаббуслар юзага келмоқда, амалий ишларга қўл урилмоқда. Жумладан, яқинда Зангиота туманидаги Бўзсув қишлоғида барпо этилган «Бўзсув лоласи» ўқув-ишлаб чиқариш корхонаси бунга бир мисолдир. Шунингдек таъкидлаш жоизки, республикада «Болалар жамағармаси» тўрт йилдан буён ЮНИСЕФ ҳалқаро ташкилотини ҳамкорлигида ҳайрли дастурларни амалга ошириб келмоқда. Ногирон болалар, фарзанд тарбиялаётган ёлғиз оналар ҳамда хотин-қизларни касбларга ўқитиб, иш билан таъминлаш борасида самарали натижаларга эришилмоқда. Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларида шу ҳамкорлик туфайли қўшимча 350 иш ўрни ташкил этилди.

— Корхонамизнинг асосий мақсади, — дейди «Бўзсув лоласи» ўқув-ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Комилжон Худойбергванов, — хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириб, кам таъминланган оилаларни, ногирон

«БЎЗСУВ ЛОЛАСИ» 52 нафар аёлларни иш билан таъминлади



болалар ҳамда боқувчисини йўқотган хотин-қизларимизни иш билан таъминлаш. Тикувчилик, нон ва нон маҳсулотлари тайёрлашда 52 нафар аёлларимиз иш билан таъминланди ҳамда уларнинг фарзандлари учун болалар боғчаси ишга туширилди.

Ҳодимларимиз иш билан бирга бевосита ўқув машғулотлари, таъриба ортиртириш билан ҳам шуғулланишмоқда.

— Биз учун яратилаётган бундай имкониятлардан мамнунмиз, — дейди нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи ишчиси Шаҳноза Жўраева. — Ҳам касбга, ҳам иш ўрни-

га эга бўлдим. Яна бир қулайлик — ишлаб чиқаришда ҳам ашё муаммосидан қийинчилигимиз йўқ.

Келгусида корхона аҳолига маиший ҳизмат кўрсатишни янада яхшилаш борасида ҳам бир қанча режаларни мўлжалламоқда. Чунончи, сартарошлик, пойабзал тузатиш устакхоналари очиб, ҳизмат кўрсатиш доирасини янада кенгайтиришни мақсад қилиб қўйган. Натижада яна қўшимча иш ўринлари ташкил этилиб, қўлгина қиз-жувонлар ишли бўлишди.

Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ, «Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

НАФИС ВА МАРДОНА ХИЛҚАТ

Дунёда энг нафис, яккаш бир хилқат — аёлдир. Қалбидаги қайноқ меҳрни қўш тафтига, покиза севғисини булоқ сувига, шодон кулгусини жўшқин шалолага қиёс этураар-ким, бу қизилар унинг шаънига қанақадар ҳаққоний битилганини таъкидлашга ҳожат йўқ.

Ҳар йили келинчақ фаслнинг саккизинчи кунини ана шу аёл шаънини шарафловчи, севинчу шодлигини тараннум этгучи баҳорий ёрқин ва қутлуг байрам сифатида нишонланади. Хотин-қизлар байрами туманимизда ҳам баҳорий кайфият, кўтаринки руҳда қарши олинмоқда.

Мустақил юртимиз куч-қудратини оширишда, уни келажоғи буюқ давлатга айлантиришда хотин-қизларимизнинг ўрни ўзига хос бўлмоқда. Улар мамлакатимизнинг тинчлигини мустаҳкамлаш, ҳалқимизга муносиб турмуш тарзи яратиш йўлида астойдил меҳнат қилаётилар. Мана шу барча сатъ-ҳаракатларда шарқона анъаналар, урф-одатлар, миллий ўзгиллигимиз ўз ифодасини топмоқда.

Ана шундай имтиёз-имкониятлардан фойдаланаётган хотин-қизларимиз туманимиз ҳалқ ҳўжалиги живожиға ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Утган йили давлатга пилла, галла топшириш режаларини ўз вақтида баҳариб, юзимиз ёруғ бўлди. Айниқса, пахта тайёрлаш режасини пилотда биринчи бўлиб баҳарганимиз йилнинг энг катта ютуғи бўлиб қолди. Албатта, уларда туманимиз аҳолисининг ярмидан ортигини ташкил этган хотин-қизларнинг ҳиссалари катта бўлди. Ҳабиба Жўраева, Меҳри Эрмонова, Улбўсин Қобулова, Турсуной Айженова, Гулбаҳо Рамизова, Азима Габбобова, Жупарой Исмоилова каби пахтакору пиллалар, Дилором Маҳкамова, Раъно Фозилова, Людмила Терентьева, Салима Абдуллаева, Клавдия Ким каби ҳалқ таълими жонқуярларининг фидойийлик билан қилаётган меҳнатларида ҳамиша фахрланамиз.

Мен фурсатдан фойдаланиб, вилоятимиз хотин-қизларини байрам шодийнаси билан қутлайман. Меҳр ва муруват йилида қалблари янада меҳр-муруватга, гўзал туйғуларга тўла бўлсин дейман. Ҳар қачон шу қўнра дунёимизни нурга, назокатга тўлдириб юргайсиз, азиз ва қадрли опа-сингиллар, мўтабар онахонлар! Қалбиндан тўқилган қуйидаги сатрлар сизга:

Сиз Аёласиз, минг бир юмушга —
Бўлинка-да соҳилмағай ҳеч,
Қалбингиздан меҳр булоғи,
Жой олгандир, тўқилмағай ҳеч...

Ҳабиба ШЕРОВА.

Чиноз тумани ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси.

103 БАҲОР БЕКАСИ

Дукентлик Ойниса момо Гужиева айна байрам кунини умрининг 103 баҳорини қарши олади

...Баҳорнинг мунаввар тонги отди. Оқсоч тоғлар бағрига беғуборлик индирган кўш наваларда бўртган кўртларни-да, баҳамл майсаларни-да саховат ила сий-ладди. Табиатдаги бу тиникликдан масрур Ойниса момо ҳаётнинг ҳар лаҳзаси тақорланмас гўзаллик эканлигини ҳис қилиб, бу осийшани ва хотиржам кунларга шўқлар қилади. Елдек юғуриб йиллар ўтаверар экан. Мана шу азим чинорлар, ям-яшил арчалар, шарқираган оҳанглар тинмаган сой ҳаётнинг қўҳналигига гувоҳ.

Ойниса момо Гужиева ўтган асрнинг бошида, 1901 йилнинг айна баҳор айёми — 8 мартда таваллуд топганлар. Болалиги тоғлар бағридаги даралар, шовуллаган ғаллазорлар қўнида кечди. Эҳ-хе, донни екишдан тортиб йиғиштиришга онаси билан тенг меҳнат қиларди.

Раҳматли чоли билан ҳамиша маҳаллаининг тўй-маъракасига бош бўлишарди. Чинордай бир-бирига суяган бу чол-кампирга нафақат Охунбобоев номли маҳалладагилар, балки Дукент ва Дукент-сойликлар ҳам ҳавас билан қарашарди.

Бугун Ойниса момонинг хонадони дўст-ёронлар билан гавжум бўлади. Юртимизда мана шундай пирӯ бадавлатлар кўпаяверсин.

Мунаввара ИСОҚУЛОВА.

РАҚАМЛАР
ТИЛИ БИЛАН

→ Вилоятимизда 2 миллион 411 мингдан зиёд киши яшамоқда. Уларнинг 50,3 фоизини аёллар ташкил этади.

→ 31 мингдан ортиқ хотин-қиз вилоятда ҳалқ таълимини ривожлантириш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшмоқда.

→ Олий Мажлис депутатлигига вилоятимиздан тўрт нафар, вилоят, шаҳар ва туман кенгашлар депутатлигига 87 нафар хотин-қиз сайланган.

→ Соғлиқни сақлаш соҳасида 31, қишлоқ ҳўжалигида 56 мингга яқин, саноат корхоналарида 31 мингдан зиёд хотин-қиз меҳнат қилмоқда.

